



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «8» июль

VI-30-34-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария хизматини янада  
такомиллаштириш мақсадида келгуси 3 йилда 36 та оилавий шифокор пункти ва 5  
та оилавий поликлиника фаолиятини ташкил этиш тўғрисида.**

Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария хизматини янада тақомиллаштириш мақсадида келгуси 3 йилда 36 та оилавий шифокор пункти ва 5 та оилавий поликлиника фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдувоҳидовнинг аҳбороти Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида тингланиб ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарор қиласиди:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2021 йил 22 июндаги ЗООМ дастури орқали ўтказилган йиғилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон Фармони 4-банди ҳамда 2-иловасига мувофиқ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида 2021-2023 йилларда жами вилоядта 41 та бирламчи тиббиёт муассасалари, шундан 36 та оилавий шифокорлик пункти, 5 та оилавий поликлиника шундан 2021 йилда 13 та (шундан 12 та оилавий шифокорлик пункти ва 1 та оилавий поликлиника);

Ангор туманида “Мустақиллик” оилавий поликлиникаси, Бойсун туманида “Чилонзор”, Денов туманида “Ушор”, Жарқўрғон туманида “Сурхон”, Қумқўрғон туманида “Оққопчиғай”, Қизириқ туманида “Қизириқ”, Музработ туманида “Таскент”, Олтинсой туманида “Янги турмуш”, Сариосиё туманида “Гулистан”, Термиз туманида “Ат-Термизий”, Узун туманида “Жончекка”, Шеробод туманида “У.Юсупов”, Шўрчи туманида “Толли” оилавий шифокорлик пунктларини ташкил этиш белгиланган муддатда таъминлансин.

3. Вилоят бўйича 7 та оилавий шифокорлик пунктлари Қумқўрғон туманида “Оққопчиғай”, Қизириқ туманида “Қизириқ”, Термиз туманида “Ат-Термизий”, Бойсун туманида “Чилонзор”, Шўрчи туманида “Толли”, Музработ туманида “Таскент” ва Узун

туманида “Жончекка”, Бойсун туманида “Чилонзор” оилавий шифокорлик пунктларини ташкил этилганлиги;

Кумкўрғон туманида “Оққопчиғай” оилавий шифокорлик пункт биноси маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 53 млн. сўм маблағ ҳисобига жорий таъмирланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Музработ туман тиббиёт бирлашмаси 52-сон Янги обод оилавий поликлиникаси, “Таскент” тез тиббий ёрдам филиалини янги оилавий шифокорлик пунктига айлантириш таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги;

Термиз туманида “Ат-Термизий” оилавий шифокорлик пункти биноси 2021 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан 210 млн. сўмга, Узун туманида “Жончекка” оилавий шифокорлик пункти биноси 90 млн. сўм маблағ ҳисобига жорий таъмирланиб фаолият юритиб келаётганлиги;

Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасининг 29-сонли оилавий поликлиникасига қарашли “Эскиқишлиқ” маҳалласида жойлашган Сурхон оилавий шифокорлик пункти таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 277,3 млн. сўм маблағ ажратилиб таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Мазкур сессия қарори ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш.Холлиева зиммасига юклансин.

5. Халқ депутатлари вилоят Кенгashi депутатлари аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария хизматини янада такомиллаштириш мақсадида, депутатлар ўзи сайланган ҳудудлардаги оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникалардаги мавжуд муаммоларини ўргансин, 1 (бир) ой муддатда тегишли таклифлари халқ депутатлари вилоят Кенгашига киритсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.